

СУҒУРТА СОҲАСИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ

А.М.Махмудов

*Тошкент молия институти  
мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Суғурта компаниялари ўзларининг айрим функцияларини аутсорсинг асосида бошқарувчи компанияларига беришади. Бу уларга харажатларни камайтириш, ҳамда штатида малакали мутахассислар бўлмаганликлари учун улар жуда қўл келади. Шу сабабли суғурта компаниялари ва аутсорсинг компаниялари биргаликда бир хил манфаатдор бўлишади.

**Калит сўзлар:** суғурта, суғурта ташкилоти, аутсорсинг, риск, молиявий барқарорлик

Яқин келажакда суғурта соҳасида қўплаб жараёнлар/функцияларни суғурта ташкилотидан аутсорсингга ўтказиш одатий амалиётга айланади. “Суғурта атрофида” хизматларни ташкил этиш янги инвестициялар учун жозибали объектга айланиб бормоқда. Бундай ўзгаришларнинг асосий сабаби – суғурта ташкилотлари ўз бизнесларининг рентабеллиги тўғрисида жиддий ташвишдалар. Шу сабабли улар ўзлари учун фаолиятнинг асосий бўлмаган иккиламчи жараёнлар/функцияларини малакали (сифатли, ишончли) бошқарувга беришдан иқтисодий жиҳатдан манфаатдорлар. Бунда уларга замонавий бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлган аутсорсинг механизмлари кенг қўламдаги имкониятларни яратиши мумкин.

Суғурта маҳсулотини шакллантириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган турли хил жараёнларни аутсорсингга бериш суғурта ташкилоти харажатларини камайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Суғурта бизнесининг ҳозирги беқарор (ноаниқлик) шароитида суғурта ташкилотининг молиявий натижаларини ошириш учун нафақат ўзига хос суғурта усуллари (андеррайтинг, актуар ҳисоб-китоблар, қайта суғурталаш), балки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан олинган усуллардан фойдаланиш амалиёти кенгаймоқда, бундай усуллардан бири бу аутсорсингдир.

Илмий адабиётларда ва бизнес амалиётда аутсорсинг моҳияти турлича талқин этилади. Аксенова ва Альтшулер (2009), Аникин ва Рудая (2009), Ефимова ва бошқалар (2006), Календжян (2001), Ковалевский (2015), Моисеев ва бошқалар (2012), Хейвуд (2002) тадқиқотларини ўрганиш шуни кўрсатдики, аутсорсингнинг кенг тарқалган тарифларидан бири бу субъект томонидан маълум ва одатда асосий бўлмаган (лекин фаолиятининг асосини ташкил этадиган) жараёнлари/функцияларини бошқа шахсларга бериш (бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, фаолиятнинг ҳуқуқий жараёнлари ва бошқалар) фаолияти сифатида талқин этилади.

Гукова ва Шор (2011) аутсорсингни бошқача қилиб айтганда ташқи манбалардан маблағларни жалб қилиш орқали асосий эътиборни фаолиятининг асосий йўналишларига қаратиш натижасида иқтисодий самарадорликка эришишдир.



Веретнов (2009) ва бошқа олим ва амалиётчилар аутсорсингни замонавий бизнеснинг ривожланиш қонуниятларини тушинининг калити, универсал воситаси, пойдевори ва бунинг асосида бошқарувнинг муқобил янги тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкинлиги таъкидлашмоқда.

Аутсорсинг доирасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар қўйидаги хусусиятлари билан тавсифланади:

- аутсорсер ўзига берилган жараёнлар/фнқцияларни амалга ошириш жараёнини мустақил равишда ташкил қилади, яъни режалаштириш, таъминлаш, буюртмани бажариш ва сифатни назорат қилиш унинг ваколатида бўлади. Мижоз эса фақат унинг якуний натижасини қабул қилади, шунинг учун у аутсорсернинг ишлаб чиқариш жараёнларига аралашиниш имкониятига эга эмас;

- буюртмани бажаришда аутсорсер ўз ихтиёридаги ресурслардан фойдаланади;

- касбий фаолият билан боғлиқ рисклар аутсорсерга ўтказилади;

- аутсорсер буюртмачига қарам эмас, яъни улар ўртасидаги муносабатлар тенгшерикчилик асосида шаклланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан аутсорсингдан фойдаланишнинг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат:

Бошқариш қийин бўлган ва сушт назорат қилинадиган жараёнлар/функциялардан халос бўлиш;

Жарарёнларни/функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш ва рискларни камайтириш;

Ташкилот ичида мавжуд бўлмаган ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;

Фаолиятни (бизнесни) ривожлантириш учун белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ресурсларни бўшатиш;

Замонавий техника ва янги технологиялардан фойдаланиш имкониятларига эга бўлиш;

Ривожланишнинг асосий йўналишига эътибор қаратган ҳолда ташкилот ва аутсорсер фаолиятининг уйғунлашуви натижасида синергетик натижанинг таъминланиши, яъни ўзаро таъсирчанлик.

### 1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларнинг аутсорсингдан фойдаланиш афзалликлари

Юқори молиявий натижаларни таъминлаш нуқтаи назаридан суғурта ташкилоти ривожланишининг қўйидаги жараёнлари/функцияларини аутсорсинга бериш муҳим ҳисобланади:

- ривожланиш модели ва концепциясини ишлаб чиқишни;

- фаолиятининг янги йўналишларини белгилаш;

- маркетинг фаолиятига тизимли ёндашувларни жорий этиш.



Суғурта ташкилотининг активларини ишончли бошқарувга беришнинг асосий афзалликлари қўйидагилардан иборат:

- харажатларни оптималлаштириш ва суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятидан олинадиган даромадлиликни таъминлаш;

- суғурта ташкилотининг ривожланиш концепциясини ҳисобга олган ҳолда инвестиция портфелини шакллантириш;

- суғурта захиралари ва ўз маблағларини жойлаштиришни режалаштириш, суғурта ташкилотининг молиявий натижаларини самарали бошқаришни таъминлаш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай компаниянинг мақсади ўз фаолияти соҳасида максимал кўрсаткичларга эришишдир. Шу сабабли, фаолиятни мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш ва асосий фаолиятга эътиборни қаратишга интилиш, иккиламчи функцияларни аутсорсингга ўтказиш, шу билан бирга аутсорсерлар фаолиятини доимий равишда баҳолаш ва кузатиб бориш, долзарб масалалар ва муаммоларни муҳокома қилиш ва улар учун янги вазифаларни белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта ташкилоти ўз жараёнлари/функцияларини аутсорсингга беришда қўйидагиларга эътибор бериши лозим:

- жараённи/функцияни аутсорсингга бнҳериш стратегияси белгилаш ва сиёсатни шакллантириш;

- аутсорсинг учун рискларни бошқариш тизимини яратиш;

- аутсорсерни танлаш ва аутсорсинг шартномаси (контракт) тизишда иқтисодий жиҳатдан ёндашишни амалга ошириш;

- ўзаро ҳамкорлик фаолиятида юзага келиши мумкин фавқулодда вазиятлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- махфий маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш учун чоралар кўриш.

Шундай қилиб, суғурта ташкилотининг юқори молиявий натижаларга эришиш асосан ишлатиладиган воситалар самарадолиги билан боғлиқдир. Бундай воситалардан бири бу аутсорсингдир, бу харажатларни оптималлаштиришга, рискларни минималлаштиришга ва даромадларни оширишга ёрдам беради ва натижада суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлиги мустаҳкамланади.

### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Аксенов Е., Альтшулер И. (2009) Аутсорсинг. 10 заповедей и 21 инструмент. СПб. Питер, 464 с.

Аникин Б.А., Рудая И.Л. (2009) Аутсорсинг и аутстаффинг: высокие технологии менеджмента. М.: ИНФРА-М, 320 с.

Ефимова С., Пешкова Т., Коник Н., Рытик С. (2006) Аутсорсинг. М.: Научная книга. 160 с.

Календжян С.О. (2001) Аутсорсинг: делегирование управления в стратегии развития компании. М.: Каталог. 291 с.

Ковалевский А.М. (2015) Определение и экономико-юридический смысл аутсорсинга // Социальное и пенсионное право. № 4. С. 3–10.



Моисеева Н.К., Малютин О.Н., Москвина И.А. (2012) Аутсорсинг в развитии делового партнерства. М.: Финансы и статистика, 240 с.

Хейвуд Д.Б. (2002) Аутсорсинг: в поисках конкурентных преимуществ. М.: Вильямс, 312 с.

Гукова А.В., Шор Д.М. (2011) Повышение результативности бюджетных расходов // Актуальные проблемы совершенствования управления региональными финансами: материалы IV межрегиональной научно-практической конференции. Волгоград: Панорама. С. 103–111.

Веретнов В.И. (2009) Аутсорсинг в развитии новых систем управления страховым бизнесом // Управление в страховой компании. № 2. С. 6–7.